

АЛОХИДА МУХОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ҲУДУДЛАР

ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

РЕЖА:

- 1. Алохида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ҳуқуқий ҳолати тўғрисида тушунча ва ўзига хос ҳусусиятлари.**
- 2. Табиатни мухофаза қилиш мақсадларига мўлжаланган ерлари ҳуқуқий ҳолати**
- 3. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжаланган ерлари ҳуқуқий ҳолати**
- 4. Рекреация ва тарихий-маданий ахамиятга молик ерларнинг ҳуқуқий ҳолати**

Табиатни мухофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар республикамиз ер фонди тизимида алохида ва мустақил 2 та тоифани ташқил этади (Ер кодексининг 8-моддаси). Ушбу тоифалар ерлари таркиби:

- табиатни мухофаза қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар;
- тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлардан иборат бўлиб, уларнинг жами майдони 75,3 минг га ни ташқил этади.

Мухофаза этиладиган ҳудудлар деганда ерлар ва сув кенгликлари (акваториялар)нинг устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария соғломлаштириш ахамиятига молик қисмлари тушунилади. **Мухофаза этиладиган ҳудудлар** деб аталашининг асосий сабаби шундаки, бу ҳудудлар ноёб ўсимлик ва хайвонот дунёсини, минерал сувлар хам да табиат ёдгорликларини саклаш учун экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария - соғломлаштириш ахамиятига эгадир. Алоҳида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерлари деганда эса давлатнинг тегишли органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда табиатни мухофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация, тарихий-маданий мақсадлар учун ажратиб берилган ер майдонлари тушунилади.

Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза этиш тўғрисида»ги қонунлари хам да Давлат қўриқхоналари, Давлат миллий табиат боғлари, Давлат буюртма қўриқхоналари, Давлат табиат ёдгорликлари, ботаника боғларининг Низомларида белгиланган. Ушбу меъёрий хўжжатлар алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерларини бериш тартиби, фойдаланиш мақсадлари, муҳофаза этиш чора-тадбирлари, ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ушбу тоифа ерларни бошқариш каби масалаларни тартибга солади.

Алоҳида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерларининг ҳуқуқий ҳолатидаги ўзига хос ҳусусиятларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

- 1) Алоҳида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерлари мамлакатимиз ер фондида мустақил тоифани ташқил этиб, маҳсус белгиланган мақсадда, тегишли вазифаларни бажариш учун хизмат қиласди;
- 2) Ушбу тоифа ерлар табиатнинг табиий, эстетик, шифобаҳш, маданият, архитектура омилларига эга бўлган ҳудудларида ажратиб берилади;
- 3) Алоҳида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерлари хўжалик мақсадларида фойдаланилмайди;
- 4) Бу тоифа ерлардан ва унинг атрофида жойлашган ерлардан фойдаланиш ва мухофаза этишининг алоҳида ҳуқуқий тартиби белгиланади. Масалан, курорт зоналари атрофида унинг даволаш ҳусусиятига салбий таъсир этувчи фаолият билан шуғулланиш ман этилади;

- 5) Бу ерларни бошқарувчи органлар турли-туманлиги билан ажралиб туради. Алохида мухофаза ҳудудлари нафақат давлат органлари, балки жамоат органлари билан хам бошқарилиши мумкин;
- 6) Алохида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерларидан доимий фойдаланувчи субъектлар бўлиб фақат корхона, муассаса ва ташқилотлар, яъни юридик шахслар хисобланадилар. Фуқаролар эса фақат икқиламчи ердан фойдаланувчилар бўлишлари мумкин;
- 7) Алохида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерлари ижарага берилиши мумкин эмас;
- 8) Ушбу тоифа ерлардан фойдаланувчилар ер солиги тўлашдан озод қилинадилар;
- 9) Алохида мухофаза этиладиган ҳудудлар ерлари давлат мулки хисобланади, шунинг учун улар олди-сотди қилиниши, гаров, совға, хадя ёки бошқа турдаги айирбошлиш обьекти бўлиши мумкин эмас.